

Мижозларга корпоратив банк карталаридан фойдаланиш бўйича

ОММАВИЙ ОФЕРТА ШАРТНОМАСИ

Ушбу Оммавий оферта шартномаси (кейинги ўринларда “Оферта”) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367 ва 369-моддаларига мувофиқ, юридик шахсларга корпоратив банк карталаридан фойдаланиш юзасидан шартнома тузиш бўйича юборилган расмий оммавий таклиф бўлиб ҳисобланади.

Оммавий оферта шартномаси Мижоз томонидан банк ҳисобварағи очиш юзасидан мурожаат қилинган аризани тақдим этиш билан ёхуд ушбу шартномага илова қилинган аризани, белгиланган тартибда тўлиқ тўлдирилган вақтдан бошлаб тузилган (акцептланган) ҳисобланади ҳамда мижоз мазкур оммавий оферта шартномасининг барча шартларини ва Банк Тарифларига асосан тўловларни тўлашни истисно қилмасдан сўзсиз қабул қилганлигини англатади.

1. УМУМИЙ ТАВСИФЛАР

1.1. Корпоратив банк карта- юридик шахсга банк томонидан бериладиган, корпоратив банк картасини сақловчисига карта ҳисобварағида ҳисобда турган пул маблағларини тасарруф этган ҳолда товарлар, ишлар ёки хизматларни сотиб олиш учун нақд пулсиз шаклда тўловларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тўлов картаси.

1.2. Корпоратив банк картасини сақловчиси- юридик шахс ва эмитент банк ўртасидаги шартнома асосида корпоратив банк картасидан фойдаланувчи юридик шахс ёки у ваколат берган шахс.

1.3. Тўлов терминали - товар (иш, хизмат)лар учун тўловларни Банк картаси орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қилиш имкониятини берувчи ва бажарилган операциялар бўйича слипларни шакллантирувчи қурилма;

1.4. Транзакция - Банк картаси сақловчиси томонидан харид қилинган товарлар, иш ва хизматлар учун амалга оширилган тўлов;

1.5. Банк картасининг блокировкаси – Банк карталарининг амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш бўйича Банк томонидан кўрилган чора;

1.6. Эмитент банк – банк карталари эмиссиясини амалга оширувчи, ўзи эмиссия қилган банк карталарига мулк ҳуқуқига эга бўлган ва уларнинг сақловчилари ва эквайер банклар олдида улар томонидан банк карталаридан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳуқуқлари бўйича ўз номидан мажбуриятларни зиммасига олган банк;

1.7. Эквайер банк – Банк карталари орқали товар (иш, хизмат) сотувчилари билан операциялар бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширувчи Банк;

1.8. Карта ҳисобварағи – корпоратив банк картаси воситасида ундаги пул маблағларини тасарруф этиш мумкин бўлган банк ҳисобварағи;

1.9. Пин-код – шахсий идентификация рақами, 4 хонадан иборат рақамли махфий код, карта ҳисобварағидаги пул маблағларини бошқариш ҳуқуқини ҳамда маблағларни бошқаришга Банк картаси сақловчиси томонидан рухсат берилишини тасдиқлаш;

1.10. Савдо ва хизмат кўрсатиш корхонаси- эквайер банк билан тузилган битимга мувофиқ товар (иш ёки хизмат)лар учун корпоратив банк карталаридан фойдаланган ҳолда амалга оширилган тўловларни қабул қилиш мажбуриятини оловчи маҳсулот сотувчи, иш бажарувчи ёки хизмат кўрсатувчи юридик шахс (ёки якка тартибдаги тадбиркор);

1.11. Слип - Банк картасидан фойдаланган ҳолда операция ўтказилганлигини тасдиқловчи ва ўзида операция суммаси, тури, санаси, шунингдек Банк картасини ҳамда ушбу слипни шакллантирган терминални идентификация қилиш имконини берувчи ахборотларни акс эттирувчи терминал квитанцияси;

1.12. Банкнинг масофавий хизматлари:

- **"SMS-банкнинг"** – юридик ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни уяли (мобил) телефон рақамлари орқали банк ҳисобрақамлари айланмалари ва қолдиқлари ҳақидаги маълумотларни SMS шаклида хабардор қилиш хизмати.

- **"Интернет банкинг"** – Банк тизимида ҳисоб рақамига эга бўлган юридик ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан компьютер курилмаси орқали ўз ҳисоб рақамларини кузатиш ва тасарруф этиш бўйича дастурий мажмуа.

- **"Мобил банкинг"** – Банк тизимида ҳисоб рақамига эга бўлган юридик ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан мобил курилма орқали ўз ҳисоб рақамларини кузатиш ва тасарруф этиш бўйича дастурий мажмуа.

1.13. Банк тарифи – «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Бошқаруви томонидан тасдиқланган, Банк карталарини муомалага чиқаришда, улар орқали Банк операциялари амалга оширилганда, уларни янгисига алмаштириб беришда ҳамда уларга хизмат кўрсатишда амалдаги Банк тарифига кўра ундириладиган комисион тўловлар.

2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1 Мазкур шартнома банк мижозлари бўлган Юридик шахс/Якка тартибдаги тадбиркорларга корпоратив банк карталарини очиш орқали, карта ҳисобварағидаги пул маблағларидан нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклда товар, иш (хизмат)лар учун тўловларни амалга ошириш ҳамда инфокиоска ва Интернет тармоғи орқали нақд пулсиз шаклда хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солади.

3. КОРПОРАТИВ БАНК КАРТАСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

3.1. Карта ҳисобварағини тўлдириш, карта ҳисобварағини очган юридик шахснинг тўлов топшириқномасига асосан унинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан амалга оширилади.

3.2. Корпоратив банк картасига унинг сақловчисига тўланадиган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва дивидендларни ўтказишга йўл қўйилмайди.

3.3. Карта ҳисобварағидаги сарфланмай қолган маблағларни асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига қайтариш тўлов топшириқномаси билан амалга оширилади.

3.4. Банк карталарини очиш ҳамда фойдаланишга олиш ва уларни алмаштириш, мижознинг ёзма мурожаатига асосан амалга оширилади.

3.5. Банк картаси, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва Халқаро тўлов тизимида таълуқли бўлган банк картаси бўлган тақдирда, Республика ҳудуди ташқарисида савдо ва

пуллик хизмат кўрсатиш Банкнинг аҳолига чакана хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминалларда, инфокиосklar орқали тўлов ўтказиш ҳамда Банкнинг қўшимча “Интернет тўлов”, “SMS Банкинг”, “Уй Банкинг” хизматларидан фойдаланиш учун мўлжалланган.

3.6. Корпоратив карта орқали амалга оширилган операцияларнинг қонунийлиги учун жавобгарлик карта ҳисобварағини очган юридик шахс зиммасида бўлади.

4. МИЖОЗНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

4.1.МИЖОЗНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ:

4.1.1. Банк картасидан фойдаланиш қоидалари, улар орқали операцияларни амалга ошириш бўйича тўлиқ ахборотни олиш;

4.1.2. Банк картаси ҳисоб рақами бўйича амалга оширилган операциялар бўйича кўчирма тақдим қилиниши сўраб ёзма мурожаат қилиш;

4.1.3. Мижознинг тўлов “Корпоратив Интернет Банкинг” дастурий мажмуалари орқали карта ҳисобварағини тўлдириб туриш;

4.1.4. Банк картасининг ҳисобварағидаги қолдиқ маблағлари ҳамда амал қилиш муддати доирасида фойдаланиш;

4.1.5. Банк карталарининг сақловчилари савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш корхоналарида Банк карталаридан фойдаланган ҳолда ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

4.1.6. Банк картаси бўйича бажариладиган операцияларга лимит миқдорини белгилаш;

4.1.7. “Интернет тўлов”, “SMS Банкинг” ва “Уй Банкинг” каби қўшимча банк хизматларидан фойдаланиш;

4.1.8. Банк картаси ҳисоб рақамидаги ишлатилмай қолган маблағларни асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамига қайтариш;

4.1.9. Банк картаси ҳисоб рақамини ёпиш орқали Банк картасидан фойдаланишдан воз кечиш;

4.2. МИЖОЗНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

4.2.1. Банк картасидан фойдаланишда мазкур шартноманинг талабларига амал қилиш;

4.2.2. Шартнома шартларини, Банк картасидан фойдаланиш қоидалари бажарилишини таъминлаш ҳамда уларга қатъий риоя қилиш;

4.2.3. Банк тарифларида белгиланган миқдорда тўловларни амалга ошириш;

4.2.4. Банк картасидан мижознинг масъул ходими фойдаланилишини ҳамда Банк картаси Пин-кодини бошқа шахслардан сир сақланишини таъминлаш;

4.2.5. Банк карталарининг қолдиқ маблағларидан ошган миқдорда бажарилган транзакциялар юзага келганда, ошган миқдорини 15 кун ичида сўндириш;

4.2.6. Банк картаси йўқолганлиги, ўғрилганлиги, шикастланганлиги ёки берухсат фойдаланилганлиги тўғрисида маълум бўлган барча ходисалар ҳақида 24 соат ичида Банкни ёзма равишда хабардор қилиш;

4.2.7. Банк картасини олиш бўйича тақдим этилган маълумотлар ўзгарганда 5 Банк иш кунига ёзма равишда хабардор қилиш;

4.2.8. Шартнома шартлари ёки Йўриқнома қоидалари бузилганда юзага келган барча зарарларни шак-шубҳасиз тўлиқ қоплаш;

4.2.9. Банк картаси ҳисоб рақамига нотўғри кирим қилинган маблағларни қайтариш;

4.2.10. Мижоз фаолияти билан боғлиқ бўлган қўшимча маълумотларни Банкнинг талабига кўра тақдим этиш;

4.2.11. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида Банк картаси бўйича амалга оширилган мунозарали транзакциялар бўйича эътирозларни 30 кундан кечиктирмасдан Банкка ёзма тақдим этиш.

4.2.12.Эҳтиётсизлик ёки эътиборсизлик туфайли корпоратив карта ПИН кодини нотўғри териши билан қулфланиб қолган (блокировкага тушган) ҳолларда, картани қайта активлаштириш учун тасдиқловчи ҳужжатни илова қилган ҳолда, картани қулфдан чиқариш (разблокировка қилиш) бўйича ёзма ариза тақдим қилиш. Бунда мижоз картанинг ПИН кодини билиши лозим.

5. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1.БАНКНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

5.1.1. Мижоз томонидан Шартнома шартлари бузилганда ёки Банк карталари бошқа шахс томонидан ғайри-қонуний равишда ишлатилиши аниқланган ҳолда, Банк картаси орқали операциялар амал қилишини вақтинча тўхтатиш;

5.1.2. Банк картаси сақловчисидан унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатидан нусха олиш;

5.1.3. Банк картаси ҳисоб рақамидан қуйидаги ҳолларда мижознинг розилигисиз маблағларни кўчириш:

- Банк карта ҳисобварағидаги қолдиқ маблағларидан ошган миқдорда бажарилган транзакциялар юзага келганда;
- Банк тарифига кўра Банк хизматлари учун тўловларни;
- Банк картаси ҳисоб рақамига маблағлар нотўғри ёки адашиб кирим қилинганда;
- Мижознинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағида 2-сонли картотека мавжуд бўлган тақдирда, унинг карта ҳисобварағидаги қолдиғини мижознинг асосий депозит ҳисобварағига йўналтириш.

5.1.4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида Банк картаси бўйича амалга оширилган мунозарали транзакциялар бўйича мижоз томонидан 30 календарь кундан кейин тақдим қилинган эътирозини кўриб чиқишига қабул қилмаслик;

5.1.5. Мижоз томонидан ариза тақдим этилган кундан бошлаб 6 ойдан ортиқ давр ичида муомалага чиқарилган Банк картаси Банкдан олиб кетилмаганда, Банк тарифига кўра кўрсатилган хизмат учун ундирилган Банк даромадини қайтармаслик ва Банк картаси бекор қилиш;

5.1.6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқари Банк карталари орқали амалга ошириладиган операцияларнинг харажат қисмига лимит ўрнатишга;

5.1.7. Мижоз томонидан шартнома шартлари ёки Йўриқнома қоидалари бузилган ҳолда юзага келган барча ҳаражатларни ундириш;

5.2. БАНКНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

5.2.1. Банк карталаридан фойдаланиш қоидалари билан мижозни ва уни вакиллари таништириш;

5.2.2. Мижозларнинг ёзма мурожаатларига кўра, банкнинг қўшимча банк хизматлари сифатида “Интернет тўлов”, “SMS Банкинг” ва “Уй банкинг” хизматларидан фойдаланишни таъминлаш;

5.2.3. Мижознинг ёзма мурожаатига асосан қуйидагиларни амал ошириш:

- корпоратив карта ҳисоб рақами бўйича амалга оширилган операциялардан қўчирма тақдим этиш;
- йўқотилган ёки ўғрилган корпоратив картани вақтинча тўхтатиб қўйиш;
- карта ҳисоб рақамидagi маблағларни асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамига қайтариш;

5.2.4. Мижоз томонидан Банк картаси йўқолганлиги ёки ўғирланганлиги тўғрисида ёзма ариза тақдим қилиниб, Банк картаси блокировка қилинганидан сўнг, йўқотилган ёки ўғирланган Банк картаси орқали бажарилган барча операциялар бўйича йўқотилган пул маблағларини қоплаб бериш;

5.2.5. Мижознинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамидан пул маблағларини Банк картаси ҳисоб рақамига ўтказиш ҳақидаги тўлов топшириқномаси бевосита Банкнинг айби билан ўз вақтида ижро қилинмаслиги насижасида кўрилган зарарларни қоплаш;

5.2.6. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда карта ҳисоб рақамларидан маблағларни чиқим қилиш қисми бўйича амалиётларини вақтинча тўхтатиб туриш.

6. ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ БАЖАРИШ ШАРТЛАРИ

6.1. Банк картаси ҳисоб рақами _____ юритилади.
(UZS ёки USD)

6.2. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ Банк картаси ҳисоб рақамлари қайси валютада очилганлигига қараб нақд пулсиз шаклда Мижознинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан тўлдирилади;

6.3 Банк Тарифларида белгиланган миқдорда ва тартибда Банк комиссияси олинади.

6.4. Банк картаси ҳисоб рақамлари қайси валютада очилганлигига қараб, Банк тарифида белгиланган ставка доирасида Банк даромади ундирилади.

7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Мижознинг корпоратив картага пул маблағларини ўтказиш тўғрисидаги топшириқномаларни бажарилмаганлиги учун, ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,01 фоиз миқдорида пеня ҳисобланади. Бунда пенянинг умумий миқдори ўз вақтида сўндирилмаган мажбуриятнинг 10 фоизидан ошмаслиги лозим;

7.2. Банк қўйидагилар учун жавобгар эмас:

- Мижоз томонидан ноқонуний ҳаракатлар содир қилинган ҳолда;
- Корпоратив картага хизмат кўрсатилишида учинчи шахс томонидан рад этилганда;
- Корпоратив карта воситасида харид қилинган товар, иш (хизмат) сифатига;
- Корпоратив карта йўқолганлиги ёки ўғирланганлиги тўғрисида ариза қабул қилиниб, стоп листга қўйилишидан аввал Банк картаси ҳисоб рақамидан операциялар амалга оширилганда;

- интернет тармоғи орқали транзакциялар бажарилганда;

7.3. Карта ҳисобварағидаги қолдиқ маблағларидан ошган миқдорда бажарилган транзакциялар юзага келганда, мижоз томонидан ўз вақтида сўндирилмаган транзакцияларга ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,01 фоиз миқдорида пеня ҳисобланади. Бунда пенянинг умумий миқдори ўз вақтида сўндирилмаган мажбуриятнинг 10 фоизидан ошмаслиги лозим;

7.4. Мижоз “Корпоратив Интернет Банкинг” дастурий мажмуалари орқали юбориладиган қайдномалардаги маълумотларнинг тўғрилигига ва асл қоғоз босмаси билан мувофиқлигига ҳамда асл қоғоз босмасини сақланишига.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Шартнома шартлари бажарилиши бўйича юзага келадиган баҳс ва келишмовчиликлар тарафлар томонидан музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

8.2. Агарда кўрсатиб ўтилган баҳс ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал этилмаса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан суд тартибида ҳал этилади.

8.3. Тарафлар далил сифатида баҳс ёки келишмовчиликларни ҳал қилишда амалга оширилган операцияларни ўзида сақловчи қурилмалардаги маълумотларга таяниши мумкин.

8.4. Ёзма мурожаатлар, тарафларнинг бири имзо қўйиб қабул қилиб олганлиги ёки манзилига почта орқали юборилганлиги тўғрисида почта квитанцияси мавжуд бўлганда, тарафлар томонидан қабул қилиб олинган деб ҳисобланади.

9. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартнома белгиланган тартибда акцептланган вақтдан бошлаб кучга киради ва бекор қилинмагунига қадар амал қилади.

9.2. Мазкур шартнома мижоз томонидан ёзма равишда мурожаат қилган ҳар қандай вақтда, шунингдек мижоз фаолияти белгиланган тартибда тугатилган тақдирда бекор қилинган ҳисобланади.

9.3. Ушбу шартномада назарда тутилмаган, у билан боғлиқ барча муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.